ИННОВАЦИОН ОНГ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ

А.Бегматов

Мақолада модернизация жараёни, унинг моҳияти, “инновация” тушунчаси, жамиятнинг барча соҳаларига инновацияниг кириб келиши ҳамда уларга боғлиқ ҳолда инновацион онгнинг шаклланиши зарурлиги масалалари ўрганилади.

Калит сўзлар: *модернизация, инновация, инновацион онг, инноватика*

В статье рассматриваются вопросы процесса модернизации, его сущности, понятие “инновация”, инновационные процессы, бытующие во всех сферах социальной жизни, и в связи с этим подчеркивается необходимость формирования инновационного сознания в обществе.

Ключевые слова: *модернизация, инновация, инновационное сознание, инноватика*

The article discusses the problems dealing with modernization process , the notion of ’innovation’, introduction of innovation into different branches of society, aswell asformation of innovation conscience.

Key words: *modernization, innovation, innovation conscience.*

Мамлакатимизда кенг кўламли модернизация жараёнлари амалга оширилмоқда. “Модернизация” атамасининг луғавий маъноси янгилаш, замонавийлаштиришни англатса, мазмуни эскирган усул ва тамойиллардан воз кечиб, янгиларини, яъни инновацияларни киритишни билдиради. Президент Ислом Каримов такрор-такрор таъкидлайдиган “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” тамойилининг мазмуни ҳам янгиликларни яратмай туриб эскисидан воз кечмасликни англатади. Бундан чиқадиган хулоса эса эски усуллардан воз кечиш учун аввал янгиликни, яъни инновацияни яратиш зарурлигини билдиради. Президентимиз айтганидек, “... бу тамойиллар, биринчи навбатда, ҳаётимизни мафкурадан тўла холи қилиш, коммунистик қолип ва қарашлардан воз кечиш, қонуннинг ҳамма учун устувор бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўзига олиши, инқилобий эмас, тадрижий тараққиёт йўлидан ривожланиш, яъни ислоҳотларни “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” деган принцип асосида изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби қоидаларни ўз ичига олади” [1.112].

Тараққиёт, жумладан, ижтимоий тараққиёт янгиликларни топиш ва амалиётга татбиқ қилиш билан боғлиқ жараён. Янгилик йўқ жойда тараққиёт ҳам йўқ. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда янгиликларни топиш ва амалиётга татбиқ қилишни ўрганувчи махсус **фан – инноватика** вужудга келди ва тез суръатлар билан ривожлана бошлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизация жараёнининг моҳияти ҳам янгиликларни топиш ва ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқ. Модернизация жараёнлари фақат иқтисодиётга оид бўлиб қолмасдан, сиёсат, фан, техника, таълим сингари соҳаларга ҳам тааллуқлидир. Шу билан бирга мазкур соҳаларни инновацион асосга кўчириш бир-бири билан узвий боғлиқ равишда ўтказилади. Айтайлик, ишлаб чиқаришни инновацион асосга ўтказиш учун илм-фаннинг ривожланишини инновацион асосга кўчириш, фан ютуқларини амалиётга татбиқ қилишга лаёқатли кадрларни тайёрлаш тақозо этилади. Бунинг учун эса кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини инновацион асосга ўтказиш зарур. Кўриниб турибдики, жамиятнинг турли соҳаларини ўзаро боғлиқ равишда инновацион асосга кўчиришгина кутилган натижани бериши мумкин. Лекин бу барча соҳани бирваракайига ва бир пайтнинг ўзида инновацион асосга кўчириш кераклигини англатмайди. Бу масалада энг муҳими – ҳар бир босқич ва давр учун устуворликларни тўғри аниқлай билишда.

“Инновация” тушунчаси турли даврларда турлича талқин қилинган. Инновация деганда, яқин даврларгача техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш ва бошқарув соҳасига киритилган янгиликлар тушунилар эди. Лекин кейинги пайтларда инновация атамаси ижтимоий соҳага, аҳоли турмуш тарзини ривожлантириш каби соҳаларга нисбатан ҳам қўллана бошлади.

“Инновация” атамасининг луғавий маъноси **янги қарор**ни билдиради. Одатда, инновация деганда, фундаментал фан ёки юқори технологиялар соҳасида қилинган янгиликлар, мазкур янгиликларнинг ихтирога айланиши ва амалиётда қўлланиши тушунилади.

А.Бегматов *– ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори, фалсафа фанлари доктори.*

“Иннновация” атамаси фан ёки ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида анчадан буён мавжуд бўлган, лекин ҳозирги кунда бошқа соҳаларда ҳам қўлланаётган ишланмаларга нисбатан ҳам қўлланади. Айтайлик, электроэнергетика соҳасида аввалроқ қилинган ихтирони автомобилларнинг электр тизимига жорий қилиш автомобиль саноати учун инновация ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ўтиш даврини бошдан кечираётган бир қатор мамлакатларда иқтисодиётни инновацион асосга ўтказишга урғу берилмоқда. Лекин иқтисод инновацион бўлиши учун фақат мамлакат ёки соҳа раҳбарлари эмас, балки барча даражадаги раҳбарлар, ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг кўпчилиги инновацион онгга эга бўлиши керак. Бунга эришиш учун сиёсий хоҳиш-ирода бўлишидан ташқари, мамлакатдаги таълим тизимига ҳам тегишли ўзгаришлар киритиш лозим бўлади. Ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг кўпчилиги инновацион онгга эга бўлишини таъминламай туриб самарадор инновацион иқтисодни таъминлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси бўла олмаслиги қайд этилган. Бу қайд жуда тўғри. Айни пайтда, ҳокимият тепасига келган сиёсий партиянинг ўз мафкурасини мамлакат ҳаётига татбиқ қилишга уриниши ҳам табиий ҳол. Шу муносабат билан ҳокимият тепасига келадиган сиёсий партияларнинг мафкурасида иннновацион ғоялар қандай ўринни эгаллаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Турли даражадаги раҳбарлар, мутахассислар ва ишлаб чиқариш соҳасида банд аҳолининг кўпчилигида инновацион онг қарор топиши учун таълим тизимида таълим олувчиларнинг кенг ва замонавий дунёқарашга эга бўлишини таъминлаш керак. Бунга эришиш учун қуйидагиларга аҳамият бериш зарур бўлади:

1) оламнинг замонавий манзарасини ўрганиш;
2) Ер шарининг ривожланиш тарихи;
3) инсон тафаккурининг ривожланиш тарихи;
4) сайёрамизда ва бутун коинотда амал қилаётган физик, кимёвий, биологик қонунларни ўрганиш;
5) ҳозирги кунда инсоният транспорт, ахборот алмашиш, молия, таълимнинг янги технологиялари соҳаларида эришган технологик ютуқларни ўрганиш;
6) мамлакатдаги этномаданият, жаҳондаги ижтимоий маданият соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, жумладан, маънавият, маърифат, этика ва эстетика, қадриятлар соҳасида эришилган ютуқларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Юқорида санаб ўтилганларга боғлиқ равишда ҳозирги давр кишиларининг инновацион онгга эга, кенг маълумотли, тарбияланган шахс бўлиш билан бирга қуйидаги уқувларга эга бўлишлари ҳам тақозо этилади:

1) юқори даражадаги мулоқот маданияти;
2) ҳозирги замон транспорт, ахборот алмашиш, тўлов воситаларидан фойдаланиш уқувига;
3) ўз миллий тилини билишдан ташқари, миллатлараро мулоқот воситари бўлган тил ёки тилларни яхши билиш;
4) ўзи яшаётган ҳудуд, минтақа, мамлакат ҳамда глобал аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал қилишга ўзининг ҳиссасини қўша олиш;
5) амалиётга татбиқ этилаётган инновациялар табиат ва жамиятга фойда келтиришдан ташқари, қўшимча номақбул оқибатларга эга бўлмаслиги, яъни зарар келтирмаслигини мунтазам кузатиб бориш.

Ҳозирги кунда дунёда вужудга келган вазият таҳлили шундан далолат берадики, инсоният икки йўлдан бирини танлаши керак: ё анъанавий онгга ва унчалик ривожланмаган психикага асосланиб технологияларларни узоқ муддатдаги оқибатларини ҳисобга олмасдан ривожлантираверишш, ё бўлмаса, юксак экологик ва ижтимоий масъулиятга асосланган янги тамаддунга ўтиш. Биринчи йўлда уни муқаррар фожиа кутмоқда. Ҳозирги куннинг ўзида вазият шу қадар жиддийлашиб кетдики, у озиқ-овқат, энергетика, демография, экология, молия ва иқтисод, ҳарбий соҳаларда ҳал қилиш жуда мураккаб бўлган муаммоларга дуч келмоқда. Мазкур йўл сайёрамизда яшаётган ҳозирги авлодни ер шарида иқлимнинг исиб кетишига мубтало қилди ҳамда куррамизни бир неча бор портлатиб йўқ қилиш учун етадиган ҳарбий қурол-аслаҳани яратди.

Учинчи минг йиллик инсоният тараққиётининг сифат жиҳатдан янги шаклда ривожланиш даврига тўғри келди. Бундай шакл ҳозирги кунда “экологик тамаддун” номини олди. Мазкур тамаддуннинг марказида тарбия масалалари, аввало, ахлоқий тарбия масалалари туради. Бундан аввалги тамаддун, яъни техноген тамаддуннинг ривожланиши жамият тараққиёти давомида глобал муаммоларни юзага келтирди. Бу муаммолар дунёда тинчликни сақлаш, турли мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги жиддий тафовутларни бартараф этиш, экологик, демографик, хомашё ҳамда озиқ-овқатлар билан боғлиқ муаммолар кабилардан иборат. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини жиддий такомиллаштириш зарур бўлади.

Бироқ жамиятдаги одамлар, турли синфлар ва турли мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда мувозанатнинг бузилиши ҳамда табиатнинг ривожланиш қонунларини эътиборга олмаслик инсониятни ҳозирги кунда глобал экологик танглик ҳолатига олиб келди. Бу танглик шу даражага етдики, табиатда қайтариб бўлмас жараёнлар бошланиши хавфи туғилди, шунингдек, инсонларнинг саломатлиги ва фаровонлиги ҳам жиддий хатарга дуч келди.

Санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун, аввало, инсонлар менталитетини, онгини ўзгартириш зарур бўлади. Шу муносабат билан инсонларда, айниқса, ёшларда инновацион онгни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг замонавий ютуқларига асосланган технологиялар ривожланаётган ва энг янги илмий-техник ютуқлар ишлаб чиқаришга жорий этилаётган ҳозирги даврда инновацион онгни шакллантириш ижтимоий заруриятга айланди. Ер юзида ахборот, техника ва технологиялар соҳасидаги юз бераётган ўзгаришлар фуқаролар, айниқса, ёшлар онгини, дунёқарашини ана шу тараққиётга мос равишда ўзгартиришни тақозо этмоқда.

Инновацион онгни шакллантириш ҳозирги кунда биринчи даражали аҳамият касб этар экан, унинг таркиби, тузилмасини ўрганиш таълим тизими олдида турган муҳим вазифага айланмоқда. Инновацион онгнинг муҳим таркибий қисми ва таянчини инновацион тафаккур ташкил қилади. Инновацион тафаккурни шакллантириш ҳозирги кунда мамлакатни модернизациялаш жараёнларининг энг муҳим шартларидан бирига айланмоқда. Мазкур ҳол инновацион тафаккурнинг шаклланиш механизмларини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради.

Инновацион тафаккур бир қатор хусусиятларга эга. Касбий фаолият юритаётган мутахассисларнинг инновацион тафаккури, биринчи навбатда, ижодий хусусиятга эга бўлиши лозим. Ижодий тафаккур эса, бир қатор тадқиқотчилар ва психологларнинг фикрига кўра, ҳодисалар, вазиятлар, нарсаларга янгича ёндаша олиш, муаммоларни ҳал қилишда янгича ечимларни топиш қобилиятига эга бўлишни тақозо этади. Ижодий тафаккур, қолиплар асосида юритиладиган тафаккурдан фарқли ўлароқ, нарса-ҳодисаларга одатий қарашдан воз кечиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилишнинг оригинал ечимларини топишни талаб қилади.

Психология фанида одамларнинг инновацион муҳитда ишлашга тайёрлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар ижодий тафаккурнинг қизиқувчанлик ва тиришқоқлик каби сифатлар билан боғлиқлигини кўрсатди. Қизиқувчанлиги ва тиришқоқлиги бўлмаган одамларда ижодий тафаккур деярли учрамас экан. Шу муносабат билан таълим тизимида – мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб то магистратура ва докторантурагача бўлган босқичларда бу сифатларни ривожлантириш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Психологияда ўтказилган тадқиқотлар яна шуни кўрсатдики, ижодий тафаккур шахснинг темпераменти билан ҳам боғлиқ экан. Ишчилар ва ходимларни жой-жойига қўйишда мана шу боғлиқлик ҳисобга олинмаса, яхши натижаларга эришиш қийин. Бу ўринда шуни ҳам ёдда тутиш зарурки, одамларда темпераментнинг турлари соф ҳолда учрамайди, лекин ҳар бир шахсда унинг қайси типи устувор эканини аниқлаш мумкин. Мана шу ҳолатни ҳисобга олиш шахсда инновацион тафаккурни шакллантиришга қулай шароит яратиши мумкин. Масалан, флегматик характери устувор бўлган одамларни тез суръатлар билан ишлаш зарур бўлган иш ўринларига қўйиш яхши натижа бермайди. Шунинг учун айтиш мумкинки, “Ақлий ҳужум” ўтказиш шароитларида флегматикдан яхши фикр кутиш қийин. Бироқ кўп ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш зарур бўлган ҳолларда флегматикнинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Шунинг учун флегматик “Ақлий ҳужум” жараёнига яхши ҳисса қўша олмаса ҳам, бу жараён натижасида ишлаб чиқилган тавсия ва таклифларни умумлаштиришда жуда яхши натижалар кўрсатиши мумкин.

Инновацион тафаккур ва инновацион онг мамлакат тараққиётига жиддий таъсир ўтказиши мумкин бўлган омил экан, уни фуқароларда, айниқса, ёшларда шакллантириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Мамлакатда фуқаролар инновацион ёндашувларни амалга ошириш учун қай даражада мойил ва тайёрлигини кўрсатадиган бир қатор кўрсаткичлар мавжуд. Бундай кўрсаткичлар жумласига мамлакатда қилинаётган ихтиролар сони, мамлакат ва хорижда қилинган ихтиролардан фойдаланаётганлик даражаси кабиларни киритиш мумкин. Бу соҳаларда муайян ишларни амалга ошираётган бўлсак ҳам, амалга ошириш зарур бўлган ишларнинг кўпчилиги ҳали олдинда эканини эътироф этишимизга тўғри келади.

Мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштириш учун одамларда инновацион онгни шакллантириш зарур экан, бу вазифани амалга ошириш биринчи навбатда таълим тизими зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди. Уларни муваффақиятли бажариш учун таълим тизимининг барча босқичларида атрофлича ва пухта ўй-

лаб режалаштирилган ишларни амалга ошириш зарур бўлади. Жумладан, таълим тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга биринчи даражали аҳамият беришга тўғри келади. Таълим тизими кўп босқичли бўлгани сабабли мазкур вазифани бажаришда олий таълим тизими ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш тизими зиммасига кўпроқ масъулият юкланади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур тизимда фаолият юритаётган илмий-педагогик кадрлар, яъни илмий даража ва унвонларга эга бўлган профессор-ўқитувчилар ўз касблари ва эгаллаб турган лавозимлари талабларига кўра ҳам инновацион, ижодий фикр юритиши лозим бўлган кадрлар ҳисобланади.

Ҳар минг кишига ҳисоблаганда илмий даража ва унвонларга эга бўлган шахсларнинг ўртача кўрсаткичи бўйича жаҳондаги кўп малакатлардан олдинда бўлсак ҳам, мамлакатда қилинаётган ва ишлаб чиқаришга татбиқ қилинаётган ихтиролар сони бўйича, афсуски, ҳозирча улардан анча орқада эканимизни эътироф этишимизга тўғри келади. Бу ҳол илмий даража ва унвонларга эга мутахассисларимиз ўзларининг инновацион тафаккурлари ва имкониятларини тўла ишга солмаётганидан гувоҳлик беради. Демак, олдимизда турган биринчи вазифа бу соҳада мавжуд резервларни ишга солиш билан боғлиқ.

Олий таълим тизимида инновацион онгни шакллантириш бир қатор вазифаларни бажариш билан боғлиқ тарзда юз беради. Олий ўқув юртларида фаолият юритаётган барча профессор-ўқитувчилар инновацион онгни шакллантириш жараёнида бевосита иштирок этишади. Лекин уларнинг мазкур жараёндаги иштироки даражаси бир хил эмас.

Инновацион онгни шакллантиришда олий таълим муассасаси раҳбариятидан ташқари, кафедра мудирларининг фаолияти жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар муассасадаги таълим жараёнининг йўналиши, самарадорлиги учун масъул шахслар ҳисобланишади. Шу билан бирга, улар таълим жараёнининг бориши ва самарадорлигини бевосита назорат ҳам қиладилар. Кафедра мудирлари муассаса раҳбарларининг инновацион жараённи шакллантириш бўйича топшириқларининг бажарилишини ташкил қилишади. Шу йўналишда улар кафедра профессор-ўқитувчилари билан биргаликда инновацион жараённинг босқичлари, ҳар бир босқичнинг вазифалари, ҳар бир босқич учун мос келадиган методика ва технологияларни ишлаб чиқишлари зарур бўлади. Шундан сўнг ҳар бир кафедра аъзосининг шу йўналишдаги вазифалари белгиланади. Кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари инновацион жараённинг асосий ташкилотчилари ва ижрочилари ҳисобланади. Улар талабаларда инновацион онг шаклланиш жараёнини мониторинг қилишади, зарур ҳолларда бу жараёнга тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритишади.

Олий таълим муассасасида инновацион онгни шакллантириш жараёни самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири муассасада инновацион иқлимни яратиш билан боғлиқ. Муассасадаги инновацион иқлим ҳар бир мутахассис ва педагогнинг шу йўналишдаги фаолиятига сезиларли таъсир ўтказади. Инновацион иқлим жамоанинг ҳар бир аъзоси янгиликларга қандай муносабат билдираётгани ва инновацион жараёнда қай даражада иштирок этаётгани билан боғлиқ. Бундан чиқадиган хулоса шуки, инновацион жараённи бошқариш шу жараёнда иштирок этаётган ҳар бир мутахассис ва педагогнинг янгиликларга тегишли муносабатини шакллантириш, мазкур жараёндаги иштироки фаоллигини ошириш билан боғлиқ.

Профессор-ўқитувчиларинг инновация жараёнидаги иштироки қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

1. Мавжуд инновацияларни тушунтириш, шаклланиш механизмларини таҳлил қилиш ва тарғиб қилиш.

2. Янгиликлар яратишга интилиш ва яратиш. Янгиликларни яратиш ҳар бир мутахассис ва педагогнинг инновация жараёнидаги иштирокининг олий шакли ҳисобланади.

3. Ҳамкасблар, талаба, магистрант ва докторантларда новаторлик туйғуси ва кўникмаларини шакллантириш.

Ривожланган Ғарб мамлакатларида ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, университетларда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг 10-12 фоизи янгиликлар яратиш ва ихтиролар қилиш йўлида фаол ҳаракат қилишар экан. Бакалавриат босқичидаги талабалар орасида бундай ҳаракат қилувчилар сони 3-4 фоизни, магистрантлар орасида 9-12 фоизни, докторантлар орасида 35-40 фоизни ташкил қилар экан. Бу ўринда, барча магистрантлар ва докторантлар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришар экан, уларнинг барчаси янгилик яратишга интилиши лозим, деган мулоҳазанинг пайдо бўлиши табиий. Гап шундаки, “янгилик” тушунчаси турли шахслар ва гуруҳлар томонидан турлича талқин қилинади. Масалан, бир соҳада қилинган янгиликни бошқа соҳага татбиқ қилиш баъзи мамлакатларда янгилик ҳисобланади, бошқа мамлакатларда эса йўқ. Фанда мавжуд янгиликни ўзгача

усул ва далиллар ёрдамида исботлаш ҳам баъзи мамлакатларда янгилик ҳисобланса, бошқаларида янгилик ҳисобланмайди. Ёки бўлмаса, фармакология соҳасида бирор касалликни даволаш учун ихтиро қилинган янги дори воситаси янгилик ҳисобланади. Кейинчалик бу дори воситасининг бошқа бир касалликни даволашда ҳам яхши натижа беришини муаллифдан бошқа бир олим аниқласа, баъзи мамлакатларда бу янгилик ҳисобланади, бошқаларида эса ҳисобланмайди.

Бизнинг мамлакатимизда бундай тадқиқотлар ҳозирча ўтказилгани йўқ. Дастлабки кузатишлар кўрсатишича, бизнинг олий таълим муассасаларимизда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, талаба, магистрант ва докторантлар орасида бундай кўрсаткичлар Ғарб мамлакатларидагидан бироз пастроқ экан.

Янгиликлар яратиш муаллиф тафаккурига ҳам, унинг иродасига ҳам бир қатор талаблар қўяди. Шундай талаблардан бири ироданинг мустаҳкамлигига қўйиладиган талабдир. Гап шундаки, фан ва технологиялар соҳасида қилинаётган ва қилинадиган янгиликларнинг кўпчилиги ҳар доим ҳам хурсандчилик ва қарсаклар билан кутиб олинмайди. Кўпинча янгиликларга нисбатан дастлаб салбий муносабат мавжуд бўлади. Бундай ҳол одамлар онгида мавжуд эски ёндашув ва стереотиплар билан боғлиқ. Шунинг учун, кўпинча, янгиликларни рад қилиш ва обрўсизлантиришга ҳаракатлар бўлади. Шундай ҳол янгилик яратувчида мустаҳкам ирода бўлишини тақозо қилади. Фан тарихида янгиликларни яратган, лекин ирода етишмагани сабабли уларни охирига етказа олмаган ихтирочилар кўп бўлган. Кейинчалик бу янгиликларни бошқа олимлар охирига етказишган.

Инновацияларга нисбатан билдириладиган салбий муносабатнинг ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд. Ана шундай салбий муносабат натижасида янгиликнинг муаллифи янгиликни такомиллаштириш, баъзи жиҳатларини ўзгартириш учун ҳаракат қилади. Бунинг учун эса, юқорида айтилганидай, ирода, вақт ва куч талаб қилинади.

Шўролар даврида ҳукмрон бўлган фалсафада онг ва борлиқ, жумладан, ижтимоий онг ва ижтимоий борлиқ муносабатлари таҳлил қилинар экан, борлиқ ва ижтимоий борлиқ бирламчи, онг ва ижтимоий онг иккиламчи, дейилар эди. Бунинг маъноси борлиқ онгни, ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди, дегани эди. Лекин ижтимоий борлиқни нима белгилайди, деган саволга жавоб берилмасди. Бундай саволни қўйиш ҳам мумкин эмасди. Чунки бундай савол қўйиш комфирқанинг мафкурасига нисбатан шаккоклик ҳисобланарди. Бундай шаккокликнинг охири нима билан тугаши ҳаммага аён эди. Ҳозир, мамлакатимиз мустақиллиги шароитида, ижтимоий борлиқни ўзгартирувчи ва ривожлантирувчи куч ижтимоий онг ва унинг муҳим таркибий қисми инновацион онг, деб баралла айта оламиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Мамлакатимизни модернизация қилишни изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. // Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.- Т.: Ўзбекистон, 2011.

2. Диксон П. Фабрики мысли.- М.: АСТ, 2004.

3. Пригожин Н. Нововведения. Стимулы и препятствия (Социальные проблемы инноватики).- М.: Политиздат, 1989.

4. Шаповалов В.Ф.Основы философии современности. К итогам XX века.- М.: Флинта-Наука, 1998.

2014 йил 24 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)